



halol.uz

Чақалоққа бегона аёл қонини қуйиш мумкинми?

Аёл бегона бир болани эмизса, унга она мақомига ўтади, деб эшитганман. Бордию чакалокка бегона бир аёлнинг қони қуйилса, нима бўлади? Бу ҳам эмизиш ҳукмига қирадимми?

ЖАВОБ: Саволингизга мукамал жавобни Робитатул Оламил-исломий ҳузуридаги Ислоҳ Фикҳи Академияси қарори матнидан топиш мумкин. Қуйида шу ҳужжат тўлалигича келтирилмоқда:

«РОБИТАТУЛ ОЛАМИЛ-ИСЛОМИЙ ХУЗУРИДАГИ ИСЛОМ ФИКХИ АКАДЕМИЯСИ КАРОРИ

“Аёл кишининг конини икки ёшга кирмаган болага куйиш хакида. Бу харом килувчи эмизиш хукмини оладими ёки йўкми? Бу конга ҳақ олиш жоизми ёки йўк”

Аллоҳга ҳамду сано бўлсин!

Саййидимиз Мухаммадга саловату дурудлар бўлсин!

Робитатул Оламир Исламий хузуридаги Ислам Фикҳи Академияси мажлиси ўзининг Маккаи мукаррамада 1409 санада ражаб ойининг 13–20 кунлари (1989 йил 19-26 феврал) бўлиб ўтган мажлисида аёл кишининг конини икки ёшга кирмаган болага куйиш, бу харом килувчи эмизиш хукмини оладими ёки олмайдими, бу конга ҳақ олиш жоизми ёки жоиз эмаслиги хакидаги масалаларни кўриб чиқди.

Мажлис аъзолари томонидан олиб борилган мунокашалардан кейин бир овоздан кон куйиш орқали махрамлик ҳосил бўлмаслиги тасдиқланди.

Конга эваз олиш ёки бошқача қилиб айтганда конни сотишга келганда мажлис куйидагиларни айтишни лозим топди: «Конни сотиш жоиз эмас. Чунки у Куръони каримда ўлимтик, чўчка гўшти билан бирга харом қилинган нарсадир. Уни сотиш ва унга эваз олиш жоиз эмас.

Саҳих ҳадисда: «Албатта, Аллоҳ таоло бир нарсани харом қилса, унинг баҳосини ҳам харом қилади», дейилган. Шунингдек, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам кон сотишни ман қилганлар.

Албатта, бундан зарурат ҳолатлари истисно қилинади. Тиббий мақсадлар учун конни хайрия тарзда берадиганлар бўлмаса, “зарурат ман қилинган нарсаларни мувоҳ қилади” қоида-сига биноан зарур микдордаги конни сотиб олса бўлади. Бундай ҳолатда сотиб олганга гуноҳ бўлмайди. Гуноҳ сотганга бўлади. Агар конни хиба ёки мукофот сифатида берилса, яхши бўлади. Бу инсоний хайрия ишни қилишга ундайди. Чунки бу хайрия иши бўлиб, савдога қирмайди» (Аллоҳ билувчидир).

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, роҳимахуллоҳ.